

КАМИЛОВ Музаффар Мурадович

*Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси,
Ректор, тарих фанлари номзоди, доцент*

ИРОҚ ВА ХУРОСОН ҲАНАФИЙЛИК МАКТАБИ УЛАМОЛАРИ АСАРЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ТРУДОВ УЧЁНЫХ ИРАКСКОЙ И ХОРАСАНСКОЙ ШКОЛ ХАНАФИЗМА

THE SCIENTIFIC AND PRACTICAL SIGNIFICANCE OF THE WORKS OF SCHOLARS OF THE IRAQI AND KHORASAN HANAFI SCHOOLS

Аннотация. Мақолада Ироқ ва Хуросон ҳанафийлик мактаблари уламоларининг илмий мероси ҳамда улар асарларининг илмий-амалий аҳамияти таҳлил қилинди. Ироқ мактаби Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари фаолияти орқали шаклланиб, фикҳий масалаларни ҳал этишида амалий ёндашуви билан ажралиб туради. Хуросон мактаби эса мазҳабни назарий жиҳатдан такомиллаштириб, усул ал-фикҳ ва ақида-фикҳ уйғунлигини ривожлантирган. Мақолада икки мактабнинг методологик хусусиятлари қиёсий таҳлил қилиниб, уларнинг давлат бошқаруви, қозилик амалиёти ва таълим жараёнидаги ўрни ёритилди. Шунингдек, мазкур мероснинг замонавий ислом ҳуқуқшунослигидаги долзарб аҳамияти асослаб берилди.

Таянч сўзлар: ҳанафий мазҳаби, ироқ мактаби, хуросон мактаби, фикҳ, усул ал-фикҳ, қиёс, ижтиҳод, илмий мерос.

Аннотация. В статье анализируется научное наследие учёных иракской и хорасанской школ ханафитского мазхаба, а также научно-практическое значение их трудов. Иракская школа сформировалась на основе деятельности Абу Ханифы и его учеников и отличается практико-ориентированным подходом к решению вопросов фикха. Хорасанская школа, в свою очередь, внесла значительный вклад в теоретическое развитие мазхаба, углубив принципы усуль аль-фикха и гармонизировав вопросы вероучения и права. В статье проводится сравнительный

анализ методологических особенностей двух школ, раскрывается их роль в государственном управлении, судебной практике и образовательном процессе. Также обосновывается актуальность данного наследия для современного исламского правоведения.

Ключевые слова: ханафитский мазхаб, иракская школа, хорасанская школа, фикх, усуль аль-фикх, қияс, иджтиҳад, научное наследие.

Abstract. The article analyzes the scholarly legacy of the Iraqi and Khorasan schools of the Hanafi madhhab and examines the scientific and practical significance of their works. The Iraqi school emerged through the activity of Abu Hanifa and his students and is distinguished by its practice-oriented approach to resolving issues of fiqh. The Khorasan school, in turn, made a significant contribution to the theoretical development of the madhhab by elaborating the principles of usul al-fiqh and harmonizing theology and law. The study provides a comparative analysis of the methodological features of both schools and highlights their role in state governance, judicial practice, and education. It also substantiates the contemporary relevance of this legacy for modern Islamic legal studies.

Keywords: hanafi madhhab, iraqi school, khorasan school, fiqh, usul al-fiqh, qiyas, ijtiḥad, scholarly heritage.

КИРИШ

Ҳанафийлик фикҳий йўналиш бўлиши баробарида бутун бир ҳуқуқий тафаккур мактаби сифатида ҳам намоён бўлади. У Ироқда шаклланиб ва кейинчалик Хуросон ва Мовароуннаҳрга ёйилган. Эътиборлиси, айти шу ҳудуд уламолари уни ривожлантирган.

Мазҳаб асосчиси сифатида Абу Ҳанифа (ваф. 150/767) фикҳни ҳаётий масалалар билан боғлаб талқин қилишга интилан. Унинг ёндашуви назарий қоидалардан кўра амалий ечимларга яқин эди. Тадқиқотларда таъкидланишича, Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий ечимлар ижтимоий, иқтисодий, диний-маърифий ҳаётда адолатни қарор топтиришда муҳим ўрин тутган [3:587-600]. Унинг шогирдлари Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбоний ҳанафийлик ғояларини тизимлаштирган ҳамда давлат бошқаруви ва қозилик амалиётига жорий этган. Абу Юсуфнинг қозилик лавозимида тайинланиши ва ҳанафий фикҳи асосида қозилик ишларининг юритилиши мазҳабнинг амалий таъсирини кучайтирган [3:588-589].

Ҳанафийлик Хуросон ва Мовароуннаҳрда янги босқичга кўтарилиб, мазҳаб фақат амалий қонунчилик тизими сифатида эмас, балки назарий-методологик жиҳатдан ҳам чуқурлашди. Масалан, Абу Бакр Сарахсийнинг “Ал-Мабсут” асари ҳанафийликнинг энг йирик қомусий манбаларидан бири сифатида юксак баҳоланади. Унда ҳуқуқий масалалар кенг таҳлил қилиниб, усулул фикҳ масалалари ҳам мукаммал ёритилган [9:53-60; 15:369-370]. Манбаларда Сарахсийнинг ҳадис методологияси ва ҳуқуқий таҳлил услуби мазҳаб ичида ҳам, мазҳаблараро муҳокамаларда ҳам катта таъсир кўрсатгани қайд этилади [9:55-60].

Мовароуннаҳр минтақасида азалдан ҳанафийлик фикҳи қарор топган. Ушбу таълимот юртимизга Абу Ҳафс Кабир ҳамда Абу Ҳафс Сағир каби улуғ олимлар томонидан тарғиб қилинган. Насаф (ҳозирги Қарши) ўрта асрларда ислом оламида мавжуд бўлган 8 та илмий мактабнинг бири сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ушбу шаҳардан икки юз нафарга яқин калом, фикҳ, ҳадис ва тафсир алломалари етишиб чиқан. Фикҳ мактаби намояндаларидан бири Абу Ҳафс Насафий бўлиб, у юздан ортиқ асар муаллифи сифатида танилган. Унинг илмий мероси нафақат Мовароуннаҳр, балки ислом оламида ҳанафий фикҳининг ривожланишига катта ҳисса қўшган [5]. Бу ҳолат минтақа илмий муҳитининг мазҳабни фақат сақлаб қолиш эмас, балки бойитиш марказига айланганини кўрсатади.

Методологик жиҳатдан ҳам ҳанафий мазҳаби алоҳида ўрин тутати. Тадқиқотларда таъкидланишича, ҳанафий фикҳи Қуръон ва суннатга таяниш билан бирга, ақлий ва мантикий таҳлилга кенг ўрин беради [2:85-88]. Айниқса, қиёс ва истихсон каби усуллар орқали ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш мазҳабнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бу ёндашув Ироқ муҳитида шаклланиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда тизимлаштирилган.

Бундан ташқари, ҳанафийлик мазҳабининг минтақавий мослашувчанлиги ҳам унинг долзарблигини оширади. Мовароуннаҳрда яратилган фикҳий асарлар маҳаллий ижтимоий-иқтисодий шароитларга мос ҳуқуқий ечимларни ишлаб чиққан [19:2-6]. Шу жиҳатдан, ҳанафийлик фақат назарий тизим эмас, балки турли ҳудудларда қўлланилган амалий ҳуқуқий механизм сифатида намоён бўлади.

Ҳатто Андалусиягача етиб боргани ва у ерда татбиқ этилгани унинг универсал хусусиятини кўрсатади [3:590-600].

Замонавий ислом ҳуқуқшунослиги нуқтаи назаридан қаралганда ҳам, Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳанафий мактаблари мероси муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ҳуқуқий методология, қиёсий фикҳ ва ҳуқуқий герменевтика соҳаларида ушбу асарлар манба сифатида хизмат қилмоқда. Сарахсийнинг методологик ёндашуви, Насафийнинг илмий тизимлаштириш услуби ва Абу Ҳанифанинг амалий фикрлаш модели ҳанузгача илмий тадқиқотларда қўлланилмоқда [9:55-60; 5].

Шу боис, минтақа ҳанафий мактаблари намояндалари, уларнинг асарларини ўрганиш фақат тарихий қизиқиш эмас. Бу, айтиш мумкинки, ислом ҳуқуқи ривожининг ички мантиғини англашга қаратилган муҳим илмий вазифадир. Мазҳабнинг шаклланиши, ривожланиши ва минтақавий мослашув жараёнини таҳлил қилиш орқали унинг илмий-амалий қийматини янада теранроқ англаш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ироқ мактабининг шаклланиши

Ироқ ҳанафийлик мактаби ислом ҳуқуқи тарихида мустақил фикрий йўналиш сифатида ҳижрий II аср ўрталарига келиб шаклланди. Тадқиқотчилар қайд этганидек, бу даврга келиб ҳанафийлик оддий илмий муҳокама доирасидан чиқиб, муайян доктринал мактабга айланган [12:5-9]. Бу жараён, табиийки, Абу Ҳанифанинг (ваф. 150/767) фикҳий мероси билан чамбарчас боғлиқ.

Абу Ҳанифа ўз даврининг кўп миллатли, турли ҳуқуқий анъаналар туташган Куфа муҳитида фаолият юритди. Шу сабабли у ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда рационал ва мантикий ёндашувга таянди. Ҳанафий мазҳабининг ҳуқуқий асослари ҳақидаги тадқиқотларда таъкидланишича, мазкур мактаб Қуръон ва Суннатга содиқ қолган ҳолда, ақлий таҳлил ва қиёсни фаол қўллаш билан бошқа мазҳаблардан фарқланган [2:85-88].

Масаланинг муҳим жиҳат шундаки, Ироқ мактабида иjtиҳод фақат индивидуал фикрлаш эмас, балки ижтимоий тартибни сақлаш механизми сифатида ҳам қаралган. Усулул фикҳ

ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсир ҳақидаги тадқиқотларда таъкидланишича, ижтиҳод жараёни ижтимоий бирликни мустаҳкамлаш воситасига айланган [20:4-9]. Хусусан, ҳанафий уламолар орасида “ҳар бир мужтаҳид тўғридир” деган қараш илмий плюрализмни таъминлашга хизмат қилган [20:5-8].

Абу Ҳанифанинг илмий мероси унинг шогирдлари орқали мустаҳкамланди. Абу Юсуф (ваф. 182/798) қози ал-кузот сифатида давлат тизимида ҳанафий фикҳини жорий қилди. Бу эса мазҳабнинг амалий ҳуқуқий мактаб сифатида мустаҳкамланишига хизмат қилди. Муҳаммад Шайбоний (ваф. 189/805) мазҳаб қарашларини ёзма равишда тизимлаштириб, уларни кейинги авлодларга етказишга хизмат қилди.

Шунингдек, Ироқ ҳанафий мактабининг қарашлари “усул” ва “наводир” туркумидаги асарлар орқали сақланиб, илмий мерос сифатида шакллантирилди [7:5-10]. Бу ҳолат мазҳабнинг фақат оғзаки анъанага эмас, балки ёзма ҳуқуқий маданиятга ҳам эга бўлганини кўрсатади.

Ироқ мактабининг намояндалари томонидан яратилган асарлар мазҳабнинг илмий пойдеворини ташкил этди. Улар фақат фикҳий масалаларни баён қилиш билан чекланмади, шунингдек, давлат бошқаруви, халқаро муносабатлар ва ижтимоий тартиб масалаларини ҳам қамраб олди.

1-жадвал

**Ироқ ҳанафийлик мактаби
намояндаларининг асосий асарлари ва
уларнинг илмий-амалий аҳамияти**

Олимлар	Асар	Хусусияти	Илмий аҳамияти
Абу Юсуф	Китобул харож	Давлат молияси ва солиқ сиёсати	Ислом молия ҳуқуқи ва давлат бошқаруви назарий асосини шакллантирди
Муҳаммад Шайбоний	Ал-Асл	Фикҳий масалаларнинг тизимли баёни	Ҳанафий мазҳабининг асосий манбаси сифатида хизмат қилди
Муҳаммад Шайбоний	Ас-Сиярул кабир	Жанг, сулҳ ва халқаро муносабатлар	Ислом халқаро ҳуқуқ назариясининг илк шаклларида бири

Абу Юсуфнинг “Китобул харож” асари давлат ва жамият ўртасидаги молиявий муносабатларни ҳуқуқий асосда тартибга солишга қаратилган. Бу асар орқали ҳанафий фикҳи давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўриш мумкин.

Муҳаммад Шайбонийнинг “ал-Асл” асари эса мазҳабнинг илмий асоси сифатида баҳоланади. “ас-Сиярул кабир”да халқаро муносабатлар, жанг ва сулҳ масалалари муҳокама қилиниб, мусулмон жамиятининг ташқи сиёсий муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан асосланган.

Ироқ ҳанафийлик мактабининг асосий хусусиятларидан бири рационализмга таянган ҳуқуқий фикрлашдир. Демак, ҳанафийлик ўз даврида хурфикрликни тарғиб қилган. Бу эса Абу Ҳанифанинг калом илми билан профессионал шуғуллангани билан изоҳланади.

Тадқиқотларда қайд этилганидек, мазкур мактаб мантиқий таҳлил ва ижтимоий воқеликни ҳисобга олиш орқали фикҳий ҳукмлар чиқаришни устувор деб билган [2:88-89].

Бу ёндашув айрим муҳаддислар томонидан танқид қилинган. Улар ҳадисга кўпроқ таянишни талаб қилганлар. Шу тариқа “аҳли раъй” ва “аҳли ҳадис” ўртасида илмий баҳс юзага келган. Бироқ ҳанафий уламолар қиёс ва истиҳсон шариат манбаларини инкор этиш эмас, балки уларни ҳаётий воқеликка татбиқ этиш усули эканини асослаб берганлар.

Қуйида Ироқ мактабининг методологик хусусиятлари ва улар атрофидаги баҳслар умумлаштирилади:

2-жадвал

**Ироқ ҳанафийлик мактабининг
методологик хусусиятлари**

Мезон	Тавсиф	Илмий баҳс нуқтаси
Қиёс	Кенг ва фаол қўлланилган	Аҳли ҳадис томонидан танқид қилинган
Ижтиҳод	Ижтимоий бирликни таъминловчи механизм	“Ҳар бир мужтаҳид тўғридир” қараш [20]
Ёзма мерос	Усул ва наводир адабиёти [7]	Мазҳабнинг институционаллашуви
Сиёсий таъсир	Давлат бошқарувига жорий этилган	Аббосийлар даврида мустаҳкамланган

Ироқ мактаби кейинчалик турли минтақаларга тарқалди. Жанубий Осиё ҳанафийлиги айрим масалаларда Ироқ анъанасига яқин бўлгани таъкидланади [11:90-95]. Марказий Осиёда эса ҳанафийлик сунний мусулмонлар орасида устувор ҳуқуқий анъанага айланган [8:460-463].

Салжуқийлар даврида Ироқда сунний ва шиа марказлари ўртасида жиддий рақобат мавжуд бўлганига қарамай, ҳанафийлик мактаби ўз таъсирини сақлаб қолган [4:183-190]. Кейинчалик, Усмонлилар даврида ҳанафийлик расмий ҳуқуқий мактаб сифатида яна бир бор институционаллашган [6:80-83].

Шу маънода, Ироқ ҳанафийлик мактаби фақат илк шаклланиш босқичи эмас, балки кейинги асрларда ҳам ислом ҳуқуқий тафаккурига таъсир кўрсатган барқарор илмий анъана сифатида намоён бўлади. Унинг рационал ёндашуви, усуллик фикҳ ривожига қўшган ҳиссаси ва давлат амалиёти билан уйғунлиги уни ислом ҳуқуқи тарихида алоҳида ўринга эга мактаб сифатида тавсифлаш имконини беради.

Хуросон ҳанафийлик мактаби

Хуросон ҳанафийлик мактаби мазҳаб тарихида алоҳида босқични ташкил этади. Агар Ироқ муҳитида ҳанафийлик шаклланган бўлса, Хуросон ва Мовароуннаҳрда у мустақам илмий тизимга айланди. Илк босқичда Куфадан таълим олган уламолар Балх ва Рай каби шаҳарларга қайтиб, Абу Ҳанифа таълимотини ёйдилар. Натижада, ҳанафийлик ушбу ҳудудларда эрта даврдан кенг тарқалди [13:237-241].

Аббосий халифалар томонидан ҳанафий мазҳабининг қўллаб-қувватланиши унинг Хуросон ва Мовароуннаҳрда институционаллашувида туртки берди [13:239-244]. Самарқанд ва Бухоро илмий марказларга айланди. Бу ерда мазҳаб фақат ҳуқуқий амалиёт эмас, балки кенг илмий анъана сифатида ривожланди.

Хуросон муҳитида ҳанафийликнинг назарий пойдевори мустақамланишида Абу Мансур Мотуридийнинг ўрни бекиёс. Унинг “Таъвилоту аҳлис сунна” асари ақида ва фикҳ ўртасидаги боғлиқликни чуқур асослаб берди. Мотуридийлик таълимотида ҳуқуқий ҳукмлар ақидавий тамойиллардан узилган ҳолда эмас, балки ягона назарий тизим ичида кўрилади. Шу

жиҳатдан, Хуросон мактабида калом ва фикҳ ўртасида интеграция юзага келди.

Хуросон мактаби намояндаларидан яна бири Абу Бакр Жассос. У “Аҳкомул Қуръон” асари орқали Қуръон оятларидан ҳуқуқий ҳукм чиқариш методологиясини ишлаб чиқди. Бу асар усуллик фикҳнинг назарий чуқурлашувида муҳим кадам бўлди.

Шу билан бирга, Абу Бакр Сарахсий (Шамсулаимма)нинг “Ал-Мабсут” асари Хуросон ҳанафийлигининг энг йирик қомусий манбаларидан бири ҳисобланади. Унда молиявий ва мулкӣ муносабатлар Қуръон, ҳадис ва ақлий далиллар асосида кенг муҳокама қилинган [15:369-370].

Самарқандлик Абу Лайс Самарқандий томонидан тузилган “Китобун навозил” эса энг қадимги фатво тўпламларидан ҳисобланиб, Балх ва атроф ҳудудларидаги ҳуқуқий қарорларни сақлаб қолган [18:145-150]. Бу асар орқали ҳанафий фикҳининг ижтимоӣ муҳит билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланганини кўриш мумкин.

Марв, Бухоро ва Самарқандда шаклланган мазкур илмий муҳит кейинчалик Исфижоб каби янги марказларни ҳам вужудга келтирди. XI–XII асрларда Исфижобда мустақил фикҳий йўналиш шакллангани таъкидланади [10]. Бу ҳолат Хуросон ҳанафий мактабининг минтақавий таъсири кенг бўлганини кўрсатади.

Хуросон мактаби намояндаларининг асарлари мазҳабнинг назарий ва амалий тараққиётини таъминлади.

3-жадвал

Хуросон ҳанафийлик мактаби намояндалари ва улар асарларининг илмий йўналиши

Олим-лар	Асар	Йўналиш	Илмий қиймати
Жассос	Аҳкомул Қуръон	Таф-сир-фикҳ	Қуръондан ҳукм чиқариш методологиясини ишлаб чиқди
Самарқандий	Тухфатул фуқаҳо	Фикҳ	Масалаларни тизимли ва таълимий услубда баён этди
Мотуридий	Таъвилоту аҳлис сунна	Ақида	Ақида ва фикҳ уйғунлигини назарий асослади
Сарахсий	Ал-Мабсут	Қомусий фикҳ	Молиявий ва ижтимоӣ муносабатларни чуқур таҳлил қилди

Хуросон ҳанафий мактабининг таъсири кейинги асрларда ҳам давом этди. Масалан, Ҳиндистонда тузилган “Ал-Фатовои оламгирия” асари ҳанафий ҳуқуқий анъанасини давлат кодекси даражасига кўтарди [1:452-460]. Шунингдек, Усмонли даврида қабул қилинган “Мажалла аҳкоми адлия” ҳанафийлик мазҳаби асосида қўлланилган ҳужжат намунаси бўлди.

Хуросон ҳанафийлик мактаби қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради.

4-жадвал

Хуросон ҳанафийлик мактабининг методологик хусусиятлари ва илмий аҳамияти

Мезон	Тавсиф	Илмий аҳамияти
Усул ул фикҳ	Методологик ёндашув	Далиллар иерархиясини тизимлаштириш
Ақида ва фикҳ	Калом ва ҳуқуқ уйғунлиги	Ҳуқуқий ҳукмларнинг эътиқодий асосини мустаҳкамлаш
Фатво амалиёти	Навозил ва фатво тўпламлари	Жамият эҳтиёжларига мос ҳуқуқий ечимлар
Инсон ҳуқуқлари	Ҳаёт, мулк ва эътиқод дахлсизлиги	Универсал ҳуқуқий тамойиллар [13:240-245]

Айрим тадқиқотларда ҳанафий мазҳабида инсоннинг ҳаёти, эътиқоди ва мулки дахлсиз экани таъкидланади [16:295-300]. Шунингдек, айрим этик-ҳуқуқий масалалар, масалан, ҳомиладорликни сунъий тугатишга оид баҳсларда ҳанафий уламолар турли фикр билдирганлари қайд этилади [17:220-225]. Бу ҳолат мазҳаб ичидаги фикрий плюрализм ва ижтиҳодий динамикани кўрсатади.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳат бор. Муҳаммад Шайбонийнинг айрим фикрларини кейинчалик қайта кўриб чиққани, истиҳсон ва урф каби тамойилларга таянган ҳолда ижтиҳодни янгиллагани ҳанафий мактабнинг методологик етуқлигини намоён қилади [14:180-185].

Шу тарика, Хуросон ҳанафийлик мактаби мазҳабни назарий жиҳатдан чуқурлаштирган, усул ул фикҳни тизимлаштирган ва уни турли минтакаларда амалий қўллаш имконини яратган илмий мактаб сифатида намоён бўлади. Агар Ироқ мактаби ҳанафийликнинг илк амалий босқичи бўлса, Хуросон мактаби унинг интеллектуал ва методологик камолот

босқичи деб баҳолаш мумкин.

Ироқ ва Хуросон мактабларининг қиёсий таҳлили

Ҳанафийлик доирасида икки йирик илмий муҳит шаклланиб. Улар ўртасида зиддият эмас, балки методологик йўналишдаги фарқлар бор. Бир томондан Абу Ҳанифа меросига бевосита яқин бўлган Ироқ муҳити. Иккинчи томондан ушбу меросни тизимлаштириб, назарий жиҳатдан бойитган Хуросон муҳити.

Бу борада баъзи тадқиқотларда Ироқ мактабининг “асл манба”, Хуросоннинг “ривожлантирувчи босқич” экани таъкидланади. Бир гуруҳ манбаларда, аксинча, мазҳабнинг илмий шаклланиши айнан Хуросонда мукаммаллашгани келтирилади. Шу нуқтаи назардан қиёсий таҳлил муҳим аҳамият касб этади.

Икки мактаб ўртасидаги энг муҳим фарқ – усул ва фикҳий методологияда намоён бўлади.

5-жадвал

Ироқ ва Хуросон ҳанафийлик мактабларининг методологик қиёсий таҳлили

Мезон	Ироқ мактаби	Хуросон мактаби
Қиёс	Кенг ва амалда қўлланилган	Назарий асос билан мустаҳкамланган
Усул	Амалий йўналиш устун	Тизимли назарий ёндашув
Давлатчилик таъсири	Қозилик ва давлат амалиёти билан боғлиқ	Илмий муҳит ва мадраса анъанаси устун

Ироқ мактаби, айниқса Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбоний фаолияти орқали давлатчилик билан яқин алоқада ривожланган. Қозилик амалиётида юзага келган муаммоларга жавоб бериш зарурати фикҳий қарорларнинг амалий хусусиятини кучайтирган. Шу боис қиёс ва истиҳсон каби усуллар амалда синовдан ўтган.

Мовароуннаҳр ва Хуросон муҳити нисбатан барқарор илмий макон эди. Самарқанд ва Бухоро каби марказларда фикҳ фақат амалий зарурат эмас, балки назарий тадқиқ объекти сифатида ўрганилди. Масалан, Абу Мансур Мотуридий ақида ва фикҳ уйғунлигини асослаб берди. Шунингдек, Абу Бакр Жассос Куръон оятларидан ҳуқуқий ҳукм чиқариш методикасини назарий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Айрим олимлар Ироқ мактабини “динамик”, Хуросонни эса “систематик” деб таърифлайди. Бу қарашда асос бор. Чунки Ироқда ижтиҳод жараёни ҳаётий воқелик билан боғлиқ бўлса, Хуросонда у назарий таҳлил ва тасниф орқали мукаммаллашган.

Ҳар икки мактабнинг асарлари мазҳаб ривожига ҳал қилувчи ўрин тутган. Лекин уларнинг қўлланилиш доираси ва услуби ўртасида муайян фарқлар бор.

6-жадвал

**Ироқ ва Хуросон ҳанафийлик
мактабларининг илмий-амалий қиймати
бўйича қиёсий таҳлили**

Йўналиш	Ироқ мактаби	Хуросон мактаби
Қозилик амалиёти	Бевосита қўлланилган	Камрок, асосан назарий асос
Таълим жараёни	Асосий манба сифатида	Шарҳ ва таҳлил характерида
Замонавий ҳуқуқ	Молия ва сиёсий ҳуқуқ масалалари	Усул ул фикҳ ва герменевтика

Муҳаммад Шайбонийнинг “ал-Асл” ва “ас-Сияр” асарлари давлат ҳуқуқи ва халқаро муносабатлар масалаларида амалий дастур вазифасини ўтаган. Унинг ижтиҳодини қайта кўриб чиқиши мазҳаб ичидаги методологик етуқликни кўрсатади [14:180-183].

Хуросон муҳитида Шамсулаимма Сарахсийнинг “ал-Мабсут” асари фикҳий масалаларни кенг таҳлил қилиш билан ажралиб туради. Унда Қуръон, ҳадис ва ақлий далиллар уйғун қўлланилган [15:369-370]. Шунингдек, Абу Лайс Самарқандийнинг “Китобун навозил” асари фатво амалиёти ва ижтимоий муҳитни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади [18:2-5].

Агар кенгроқ қаралса, кейинги даврда ҳанафийлик асосида тузилган “ал-Фатово оламгирия” [1:452-455] ва “Мажалла аҳкоми адлийа” каби ишларида ҳам Хуросон мактабида шаклланиган назарий тизимлаштириш руҳи сезилади.

Икки мактабни қарама-қарши қўйиш илмий жиҳатдан тўғри эмас. Чунки ҳар иккаласи ҳам Абу Ҳанифа меросига таянади ва унинг усулий тамойилларини ривожлантирган. Бироқ йўналишда фарқ бор.

Ироқ мактаби ҳаётий муаммоларга тезкор жавоб беришга интилган. Унда амалийлик устун.

Хуросон мактаби эса мазҳабни тизимлаштириб, назарий жиҳатдан мустаҳкамлаган. Ақида ва фикҳ уйғунлиги, усул ул фикҳни чуқур ишлаш, ижтиҳодни назарий асослаш шу ерда кучли шаклланиган.

Илмий нуқтаи назаридан айтиш мумкинки, агар Ироқ мактаби бўлмаганида мазҳаб шаклланимас эди. Агар Хуросон мактаби бўлмаганида эса у барқарор назарий тизимга айланмасди. Шу маънода, уларни ўзаро рақиб эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи икки илмий кутб сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Ҳанафийлик мазҳаби ривож тарихан муайян ҳудуд ёки бир неча шахс фаолияти билан чекланиб қолмаган. У муайян босқичларда турли илмий муҳитларда шаклланиган ва бойиган. Шу нуқтаи назардан, Ироқ ва Хуросон мактабларини мазҳаб тарихидаги икки муҳим поғона сифатида баҳолаш мумкин.

Ироқ мактаби, аввало, Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда, ҳанафий фикҳининг дастлабки амалий пойдеворини яратди. Қозилик амалиёти, давлат бошқаруви, ижтимоий муносабатларда юзага келган муаммоларга жавоб бериш зарурати мазҳабни ҳаёт билан узвий боғлади. Бу ерда фикҳ назария эмас, балки амалий ечим сифатида шаклланди. Шу боис Ироқ муҳити ҳанафийликнинг “ҳаракатдаги лабораторияси” вазифасини бажарган, дейиш мумкин.

Мовароуннаҳр ва Хуросон мактаби эса ушбу меросни қабул қилиб, уни назарий жиҳатдан такомиллаштирди. Самарқанд, Бухоро ва Марв каби марказларда фикҳ фақат ҳуқуқий қарорлар мажмуаси сифатида эмас, балки тизимли илмий фан сифатида ўрганилди. Абу Мансур Мотуридидийнинг ақидавий қарашлари, Шамсулаимма Сарахсийнинг таҳлилий услуби ва бошқа мутафаккирлар фаолияти натижасида мазҳабнинг усулий ва назарий асослари мустаҳкамланди. Шу жиҳатдан Хуросон мактаби ҳанафийликни фақат амалиёт эмас, балки мукамал илмий тизим даражасига олиб чиқди.

Шунинг учун ушбу икки мактабни қарама-қарши қўйиш эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи тизим сифатида кўриш тўғрироқ бўлади. Ироқ мактаби мазҳабнинг ҳаётий ва амалий

асосини таъминлаган бўлса, Хуросон мактаби уни назарий жихатдан чуқурлаштирган ва тизимлаштирган. Бирисиз иккинчиси тўлиқ шаклланмаган бўлар эди.

Замонавий ислом ҳуқуқи тадқиқотларида ҳам ҳар икки йўналиш тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга. Давлатчилик, молия, халқаро муносабатлар каби соҳаларда Ироқ мактабининг амалий ёндашуви муҳим бўлса, усул фихҳ, герменевтика ва ақида-фиҳҳ уйғунлиги каби масалаларда Хуросон мактаби мероси бекиёс қиймат касб этади.

Шу маънода, ҳанафийлик мазҳабининг барқарорлиги ва ҳаётбахшлиги айнан шу икки илмий мактабнинг уйғун тараққиёти билан изоҳланади. Улар тарихий босқич эмас, балки бугунги илмий изланишлар учун ҳам методологик манба бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Abbasi Muhammad Zubair. "Al-Fatāwā al-'Ālamgīriyyah: Ḥanafī Legal Code of the Mughal Empire." *Islamic Studies*, vol. 59, no. 4, 2020, pp. 451–476. JSTOR, <https://www.jstor.org/stable/27088411>
- Abdulhalik R., Adilbayev A., Abdikalyk A., Zhamashev A.. Law basics in hanafi madhab // *European Journal of Science and Theology*. – 2020. – T. 16. – №. 1. – C. 83-90.
- Acar A. The First Jurist Who Introduced the Ḥanafī Sect in Andalusia: 'Abdallāh b. Farrūkh and His Students. *Cumhuriyet İlahiyat Dergisi*. – 2019. – 23 (2). pp. 585-607
- Ali A.M., Jaber J.J. Shiite schools in Iraq during the Seljuk era: Challenges and achievements. *TPM – Testing, Psychometrics, Methodology in Applied Psychology*, vol. 32, no. S4: Posted 17 July, Aug. 2025, pp. 180-195
- Badr S. A. Abu Hafs Al-Nasafi (d. 537 AH/1142 CE) (Historical Study) // *International Journal of Early Childhood Special Education*. – 2021. – T. 13. – №. 2.
- Burak G. The Second Formation of Islamic Law: The Ḥanafī School in the Early Modern Ottoman Empire. (Cambridge Studies in Islamic Civilization.) New York: Cambridge University Press, 2015. pp. xv, 273.
- Ençakar O. Bir Mezhebin Yitik Kültürü: Hanevî Mezhebi Nevâdir Literatürü". *İslam Araştırmaları Dergisi*, no. 44, July 2020, pp. 1-36, doi:10.26570/isad.754290.
- Foltz R.C. *Islamic Communities in Central Asia*. Oxford University Press, 2006, pp 457–464
- Goren F. Al-Sarakhsī's (d. 483/1090) hadith methodology. In II. International Turkic World Young Academicians Congress 2025, pp. 52-62.
- Ilesbekov B., Abylov T., Kerim S., Alpysbayev Y. Isbijab – a new centre for the development of Islamic law (XI-XII) // *Pharos Journal of Theology*. – 2024. – T. 105. – №. 3.
- Khalfoui M. Together but separate: How Muslim scholars conceived of religious plurality in South Asia in the seventeenth century // *Bulletin of the School of Oriental and African Studies*. – 2011. – T. 74. – №. 1. – C. 87-96.
- Okuyucu N. Al-Shāfi'ī's theory of intra-source abrogation and its interpretations in Shāfi'ī school of thought. *Islam Araştırmaları Dergisi*. – 2020. pp. 1-44.
- Primov S.U. Early doctrinal developments and the Islamization of Movarounnahr // *Jurnal Al-Dustur*. – 2024. – T. 7. – №. 2. – C. 236-248.
- Qaddumi S.I.A. The change of ijtiḥad in the Ḥanafī school: The case of Imam Muḥammad // *Cumhuriyet İlahiyat Dergisi*. – 2025. – T. 29. – №. 2. – c. 170-188.
- Qosimov M. The study of the novel al-mabsut by imam ahmad al-sarakhsi and its importance today // *Journal of Critical Reviews*. – 2020. – T. 7. – №. 11. – C. 369-370.
- Şentürk R. Human rights in Islamic jurisprudence: Why should all human beings be inviolable? // *In the Future of Religious Freedom: Global Challenges*. – 2013. pp. 290-311.
- Kwon I. Confucianism and abortion // *Abortion: global positions and practices, religious and legal perspectives*. – Cham: Springer International Publishing, 2021. – C. 217-227.
- Tsafrir N. The Kitāb al-nawāzil by Abū al-Layth al-Samarqandī as a source for legal and social history // *Jerusalem studies in Arabic and Islam*. – 2021. – №. 50. – C. 139-166.
- Tuychibaev A. A classification proposal on nawāzil works of Transoxanian origin. In II. International Turkic World Young Academicians Congress 2025. – 2025, pp. 1-7
- Yılmaz Ö. Uşûl al-Fiqh and Society: Effects of Social Structure on İjtihād and Effects of İjtihād on Social Cohesion // *Arab Law Quarterly*. – 2025. – T. 1. – №. aop. – C. 1-14.